



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Сайнова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Бахыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиєвистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Манзура Муталибовна Аминова,
фалсафа фанлари номзоди, катта ўқитувчи
Қўқон давлат педагогика институти

ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ

For citation: Manzura M.Aminova, MODERN SIGNIFICANCE OF IBN KHALDUN'S SCIENTIFIC HERITAGE. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.41-47

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485239>

АННОТАЦИЯ

Мақола Уйғониш даври Шарқ алломаларидан бири энциклопедист олим Абу Зайд Абдуррахмон ибн Мухаммад ибн Холдун ал-Хидроми ал-Ашбили илмий меросини ўрганиш аҳамияти ҳақида. Мақолада олимнинг илмий мероси рус ва ўзбек файласуф, тарихчи, иқтисодчи олимлари томонидан ўрганилганлиги, лекин ҳозирги даврнинг янги муаммолари олим илмий меросини чуқурроқ таҳлил қилишни талаб қилишини кўрсатиб берган. Ибн Холдуннинг 1400 йилда Сурияда Амир Темур билан учрашуви ва унинг топшириғига кўра Сурия мамлакатининг батафсил таҳлилинини ёзиб бериши ва Амир Темур шахсига берган баҳоси ҳақида ҳам фактлар келтирилган. Мақолада Ибн Холдуннинг “Мукаддима” деб номланган мукамал асари ва унда инсоннинг ижтимоийлиги, билиш қобилияти, шунингдек давлат шаклланишининг беш босқичи, давлат тараққиёти учун хизмат қилувчи манбалар, жамиятнинг иқтисодий ҳаёти ҳақида муҳим илмий хулосаларининг аҳамияти ёритилган. Мақолада Ибн Холдуннинг инсоният жамиятининг келиб чиқиши, унинг ижтимоийлашув сабаблари ҳақидаги маълумотлари, шунингдек тарих фани ва тарихчи олимларнинг вазифалари ҳақидаги фикрлари берилган.

Калит сўзлар: давлатнинг шаклланиш босқичлари, тарихнинг мақсади, бидава ва хидара босқичи, инсониятнинг ижтимоийлашуви, тарихчи вазифалари.

Манзура Муталибовна Аминова,
кандидат философских наук, стр.преподаватель
Кокандский государственный педагогический институт

СОВРЕМЕННОЕ ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ ИБН ХАЛДУНА

АННОТАЦИЯ

Статья о важности изучения научного наследия одного из великих ученых эпохи Возрождения Востока, ученого-энциклопедиста Абу Зайда Абдуррахмана ибн Мухаммада ибн Халдуна аль-Хидроми аль-Ашбили. В статье показано, что научное наследие ученого изучалось российскими и узбекскими философами, историками, экономистами, но новые проблемы современности требуют более глубокого анализа научного наследия ученого.

Приводятся также факты о встрече Ибн Халдуна с Амиром Темуrom в Сирии в 1400 г. и его поручении написать подробный анализ Сирии, а также его оценка личности Амира Темура. В статье подчеркивается значение прекрасного труда Ибн Халдуна под названием «Мукаддима» и его важных научных выводов о социальности человека, его познавательных способностях, а также о пяти этапах становления государства, источниках, служащих для развития государства и экономической жизни общества. В статье представлены сведения Ибн Халдуна о происхождении человеческого общества, причинах его социализации, а также его мысли об источнике истории и обязанностях ученых-историков.

Ключевые слова: этапы становление государство, классификация науки, цель истории, этапы бидава и хидара, социализация человечества, задача историка.

Manzura M.Aminova

candidate of philosophical sciences, senior lecturer,
Kokand state pedagogical institute

MODERN SIGNIFICANCE OF IBN KHALDUN'S SCIENTIFIC HERITAGE

ABSTRACT

An article about the importance of studying the scientific heritage of one of the great scientists of the Renaissance of the East, the scientist-encyclopedist Abu Zaid Abdurrahman ibn Muhammad ibn Khaldun al-Khidromy al-Ashbili. The article shows that the scientific heritage of the scientist was studied by Russian and Uzbek philosophers, historians, economists, but new problems of our time require a deeper analysis of the scientific heritage of the scientist. The facts are also given about the meeting of Ibn Khaldun with Amir Temur in Syria in 1400 and his commission to write a detailed analysis of the Syrian country and his assessment of the personality of Amir Temur. The article emphasizes the importance of the wonderful work of Ibn Khaldun called "Mukaddimah" and his important scientific conclusions about the sociality of a person, his cognitive abilities, as well as about the five stages of the formation of the state, the sources that serve for the development of the state, and the economic life of society. The article presents Ibn Khaldun's information about the origin of human society, the reasons for its socialization, as well as his thoughts about the source of history and the duties of historians.

Index Terms: stages of the formation of the state, the purpose of history, the stage of bidav and hidar, the socialization of mankind, the tasks of the historian.

1. Мавзунинг долзарблиги:

Уйғониш даври Шарқ фалсафаси алломаларининг қомусий ижоди ва уларнинг фан тараққиётига қўшган ҳиссалари беқиёсдир. Уларнинг илмий мероси, алломалар томонидан илгари сурилган ўлмас ғоялар ҳозиргача ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Шундай қомусий олимларидан бири 1332 йилда Тунисда туғилган, Абу Зайд Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Холдун ал-Хидроми ал-Ашбилидир. Ибн Холдун мероси маълум бир қисми Ўзбекистон тарихида салмоқли ўрин эгаллаган соҳибқирон Амир Темуrom билан боғлиқлик жиҳатлари мавжудлиги, яна бир томони унинг тархий фалсафий мероси Уйғониш даври алломалари ғоялари билан алоқадорлиги олим меросини яна бир қарра ўрганиш зарурлигини исботлайди.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мазкур илмий мақола қиёсий таҳлил, тарихийлик, илмийлик, узвийлик каби методларга таянилган ҳолда ёзилиб, унда Ибн Холдун илмий меросининг замонавий аҳамияти ўрганилган. Ўзбекистоннинг машҳур файласуф олимлари И.Мўминов, М. Хайруллаев, М. Баратов, С.Шермухаммедов, Х.Аликулов, Х.Шайхова каби устозлар томонидан араб мусулмон Шарқи Уйғониш даври файласуфлари илмий меъроси атрофлича ўрганилган. Ибн Холдуннинг илмий мероси билан шуғулланган россиялик файласуф олимлар Х.Раппопорт С.Н.Григорян, Ю.Н. Афанасьев, В.В.Бартольд, А.В.Смирнов, Е.А.Фролова, Н.Н.Разов, А.А.Игнатенко, С.М. Бациеванинг илмий асарларидан ҳам Ибн Холдун ҳақида қўплаб

маълумотлар олишимиз мумкин. Ибн Холдуннинг ижимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари ҳақида XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида европалик олимлар Сильвестр де Саси (1758-1838), Иосиф Хоммер (1774-1856), Фридрих Шульц (1799-1829) каби олимлар муҳим маълумотлар қолдирганлар.

Лекин бугунги давр талаби, бу алломалар ижодини яна бир бор қайта таҳлил қилиш, янада чуқурроқ тушуниш ва айна пайтда бу каби алломаларнинг ҳар бирларининг илмий меъросини янада мукаммал ўрганишни ҳаётий зарурат эканлигини кўрсатмоқда. Чунки бугунги глобал даврда ҳал қилиб бўлмайдиган даражага чиққан баъзи муаммоларнинг, ўтмиш алломаларимиз томонидан осонгина ечими берилганини кўришимиз мумкин. Зеро, “Ўз миллий тарихи ва маданиятига, дунёда энг катта бойлик бўлган интеллектуал ва маънавий салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш, уни асраб-авайлаш ва бойитиш, шу асосда ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш жаҳондаги ҳар бир давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий тараққиётида, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.”[1]

3. Тадқиқот натижалари:

Бизнинг фикримизча, Шарқ алломаларидан бири, араб мусулмон фалсафасининг қомусий олими бўлган Ибн Холдуннинг илмий меъросини чуқурроқ ўрганиш ҳам фойдадан холи эмасдир. Ибн Холдуннинг аллома сифатида ижтимоий-фалсафий мероси фақатгина Шарқ мамлакатларидагина эмас балки бутун дунё аҳамиятига моликдир. Чунки, XIV аср фалсафий дунёқараши ва ижтимоий-сиёсий масалаларини ҳал этилишида ўз замонасининг илғор фикрлари Ибн Холдун қарашлари билан боғлиқдир. Кўплаб ғарб олимлари Ибн Холдун илмий меросини ўрганар эканлар, унинг инсоният жамиятининг пайдо бўлиши, жамиятнинг тараққиёт шартлари ва жамиятни бирлаштириб турувчи умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, шарқ маънавий қадриятлари ҳақида қимматли манбаалар қолдирган. Бизнинг фикримизча, олимнинг батафсил ўрганишни тоқазо этадиган меросида, ҳозирги кундаги “глобал этика”га қарши тура олади ва замонавий инсоннинг миллий руҳда маънавий-ахлоқий тарбиялаш учун хизмат қила олади фикрларни олишимиз мумкин.

Олим 1332 йилда Тунисда туғилган, унинг ота-онаси Испаниялик мусулмонлардан бўлган. Ибн Холдун болалигидан Қуръони Карим, Хадиси Шарифлар, грамматика, мусулмон ҳуқуқшунослиги, математика, мантик, фалсафа каби фанларни ўрганган ва улар билан шуғулланган. Ёшлигидан катта иқтидор ва қобилияга эга бўлган Ибн Холдун ўзини фанга бағишлашга қарор қилган, лекин ҳаётидаги тасодифлар уни мақсадларини ўзгартириб кетишига сабаб бўлган. 1350 йилда юз берган вабо пандемияси унинг отаси ва кўплаб ўқитувчилари ва ҳамкасбларининг ўлимига сабаб бўлди. Ибн Холдун тирик қолган олимлар билан Тунисдан кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Олим ўзининг истакларига хилоф равишда умрининг 25 йилини давлат хизматида ўтказишга мажбур бўлади.[2]

1374 йилдан 1378 йилгача ўз оиласи билан Жазоирдаги Бану Салама қалъасида яшаб, 45 ёшида ўзининг «Китаб ал-ибар ва дивон ал-мубтада ва ал-хабар фи айям ал-араб ва ал-аджам ва ал-барбар ва ман асараҳум мин зауи ас-султан ал-акбар» китобини ёзди. Ибн Холдун қомусий олим бўлиб, тарих, фалсафа, социология, иқтисод шунингдек араб, форс, бадавийлар ва улар билан бир даврда яшаган йирик қабилаларнинг келиб чиқиши, ҳаёт тарзи ва бошқарув тизими ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирган. 1382 йилнинг кузида Ибн Холдун Мисрга Александрияга ундан эса Қоҳирага келади. Ўша даврда ислом оламининг илмий маркази бўлган Қоҳиранинг фуқаролари Ибн Холдунни тантанали кутиб оладилар. 1384 йилда Ибн Холдун Баркукнинг султони томонидан олий қози этиб тайинланади.

1400 йилда Миср ҳукмдори Фараж ан-Носир ихтиёрида бўлган Сурия ерларига Соҳибқирон Амир Темур юришлари бошланади. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, ўз султонини кузатиб келган олим беқиёс нафосати ва фаросати билан Амир Темурнинг ҳурматида лойиқ бўлган ва мамлакат ҳақидаги баъзи бир маълумотларни бериш шарти билан қўйиб юборилган.

Ибн Холдун Амир Темур томонидан катта иззат-ҳурматга лойиқ бўлган. “Ўттиз беш кун эрталабдан кечгача унинг ёнида бўлдим. Кейин менга рухсат бериб, кузатиб қўйди ва мен Мисрга қайтиб келдим” деб ёзади.

Ибн Холдун ўз асарида Соҳибқирон ҳақида “у юксак заковатли, ўткир ақлга эга бўлган, баҳсларни яхши кўрувчи ва бу баҳсларда нима дейишни аъло даражада билувчи шахсдир”, дейди самимият билан. Бу сўзларнинг дунё равишини, ҳукмдорлар ҳолатини теран билган аллома айтганлиги боис ҳам биз учун аҳамияти ниҳоятда беқиёсдир. Зеро, Ибн Холдуннинг ўзи эътироф этганидек: “Соҳибқирон ўйламай гапирадиганлар хилидан эмас, балки илм аҳлидан эди...”[3]

1406 йилнинг 16 март куни Қоҳирада Ибн Холдун тасодифан ҳеч қандай касалликка чалинмай вафот этади[4]. Ибн Холдун илмий қарашларида шимолий Африка мамлакатларидаги янги шаклланган ижтимоий фаол мулкдор синфларнинг кизиқишлари акс эта бошлади. Айти пайтда олимнинг чуқур назарий ғояларида ўрта осийлик алломаларимиз Абу Наср Фаробий ва айниқса Ибн Синонинг фалсафий ғояларининг таъсирини аниқ кўришимиз мумкин.

Олимнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида жамиятдаги ўзаро алоқадорликни янада ривожлантиришга сабаб бўладиган диний бағрикенгликни тарғиб қилиш, маърифат ва эзгулик асосида давлат ва жамият муносабатларини мустахкамлаш масалалари ҳам ишлаб чиқилган. Олимнинг кўплаб асарлари, шу жумладан биз мушоҳада этадиган “Муқаддима” асари француз, инглиз, немис, испан, турк, рус ва урду тилларига таржима қилинган.

Ибн Холдуннинг энг йирик асарларидан бўлган “Муқаддима” ўз даврининг ижтимоий иқтисодий ва сиёсий ҳаётининг қомусий асари дейиш мумкин. Асарда инсоннинг ижтимоийлиги, унинг билиш қобилияти, шунингдек давлатнинг шаклланишини беш босқичи, давлат тараққиёти учун хизмат қилувчи манбаалар, жамиятнинг иқтисодий ҳаёти ҳақида муҳим илмий хулосалар келтирилган. Муқаддима асари, Ибн Холдуннинг ёзишича муқаддима ва уч томдан иборат иборат мукамал асардир. Асар мавзусини қуйидаги йўналишларни белгилаш мумкин:

- Тарихнинг мақсади, тарихий танқиднинг аҳамияти ва амалда қўлланилиши, тарихчиларнинг хатоликлари ва унда манбадан нотўғри фойдаланиш;
- Ер шари ҳақида географик маълумоти, иқлим ва табиатнинг инсонларга жисмоний ва ахлоқий таъсири;
- Оламни билиш усуллари, оила, жамият ва давлат шаклланишининг эволюцияси;
- Иқтисодий ва ақлий ривожланиш;
- Давлатнинг таназзули;
- Давлат фаровонлигида меҳнатнинг ўрни;
- Хунармандчилик ва санъат турлари ҳақида маълумотлар;
- Фаннинг классификацияси.[5]

Ибн Холдуннинг бу асари ўз моҳиятига кўра Мағриб давлатлари халқларининг тарихини ёритишдангина иборат эмас балки, олимнинг мазкур китоби инсоният жамиятининг келиб чиқилишининг илмий методологик жиҳатдан тўғри ва батафсил очиб берган. Олимнинг буюк хизматлари шундаки, китобда инсоният жамиятининг пайдо бўлишига оид барча ходисаларни илмий асослаб берган. Китобнинг биринчи томининг ўзи 630 вароқдан иборатлиги ҳам асарнинг нақадар мукамаллигини кўрсатиб турибди.

Олимнинг фикрича инсоният дастлаб ёввойилик ҳолатида бўлади. Кейин у табиий оламдан ажралиб чиқади ва ижтимоийлик касб этади. Ибн Холдуннинг кўрсатишича, инсоният жамияти доимо ўзгариб бориб, тараққиёт жараёнида икки босқични босиб ўтади: 1. Бидава. 2. Хидара. Бу иккала босқич “инсонлар яшаши учун қандай воситалар топиши”га кўра, бир-биридан фарқ қилади. Биринчи – бидава босқичида одамлар асосан, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Иккинчи – хидара босқичида юқоридаги машғулот турларига хунармандчилик, савдо, фан ва санъат қўшилади. Ҳар иккала босқич бир ҳудуд доирасида бўлиши мумкин. Ибн Холдуннинг фикрича, шаҳарда йўқ, кундалик эҳтиёжни қондирадиган ҳаёт тарзи – деҳқончилик ва чорвачилик ибтидоий ҳаётни, ҳашаматли ҳаёт кечириш ва шунинг учун ҳаракат қилиш, дабдабали ҳаёт кечириш учун интилиш, шаҳарлар барпо қилиш цивилизацияни келтириб чиқарди[6].

“Муқаддима”асарида олимнинг ижтимоий фалсафий ғоялари ўз даврга нисбатан шу қадар ривожланганки, унинг қарашларида, Форобий, Беруний, ибн Сино фалсафий қарашлари билан бирга XVIII — XIX аср олимлари Монтескье, Боклнинг жамиятнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақидаги фалсафий қарашларининг элементларини кўришимиз мумкин. Масалан “Муқаддима”нинг биринчи қисми “Инсоният жамоаси зарурийдир” деб аталувчи қисмида шундай ёзади: “Аллох одамни яратар экан, уни жисмини озикунансагина яшашга мослаштирди. Худо одамни ўзини таъминлаши учун туғма табиат – фитрат ва уни рўёбга чиқриш учун кудрат билан таъминлади. Аммо одамга ўзини тириклигини таъминловчи моддани яратиш учун яъни, ўзи учун кераклик озукани яратиши учун унинг ёлғиз ўзининг кучи етмайди.

Мисол учун, одамнинг бир кунлик энг кичик ва керакли озукаси бир бурда нонни олайлик. Нонни яратиш учун унни майдалаш, хамир қилиш, пишириш лозим. Бунинг учун турли ҳил қуроллар, идишлар яъни кўплаб хунар эгалари темирчи, дурадгор, кулол, нонвой ва уларнинг меҳнати ва маҳсулотлари зарур. Буларнинг барчасини ёлғиз бир киши бажара олмайди. Шунинг учун турли қобилият ва касб эгалари, одамларни ва ўзларини боқиши учун бирлашиши шартдир. Бу ҳамкорлик оқибатида эса бир қанча одамларнинг эҳтиёжлари таъминланади”[7].

Муқаддимада тарих фанининг предмети ва вазифаларига ҳам алоҳида ўзига хос ёндошув мавжуд. Файласуф тарихга икки нуқтаи назарда ёндошади. Ташқи томонидан тарих ўтмиш авлодлар ҳақида маълумотларни сақлаш ва етказиб бериш. Ички моҳиятига кўра тарих – бу “барча мавжуд нарсаларнинг асоси ва уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги чуқур билимларга асосланган аниқ манбалардир”[8]. Биринчи нуқтаи назар Ибн Холдунгача тарих фани ҳақидаги қарашлар бўлса, иккинчи қарашлар олимнинг ўз нуқтаи назаридан иборат бўлиб, тарих барча воқеа ходисаларнинг келиб чиқиш сабабалари ва моҳиятини очиб бериши шарт. Шунинг учун тарихни фалсафий фанлар қаторига киритиш керак. Шу нуқтаи назардан олимнинг қарашлари Гегель назарияларга ҳам ўхшаб кетади. Олимнинг фикрича тарихчи ахлоқнинг ижтимоий тизими, оила ва қабилаларнинг маънавий аҳволи, жамиятдаги турли қатламлар, табақалар ва халқларнинг бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятларини чуқур билиши лозим. XIV аср учун тарихни бундай таҳлил этилиши бутунлай фанга янгича ёндошув эди. Ибн Холдуннинг назарияси асосда жамият тарихига биринчи марта цивилизацион ёндошув ишлаб чиқилган. Чунки олим тарих фани олдига воқеа ходисаларнинг йилномаси сифатида эмас, балки турли халқларнинг цивилизациясидаги ўзига хослигини ўрганиш уларни таққослаш ва аввалги ўтган халқлар цивилизациясини ўрганишдан иборат деб ҳисоблайди. Олимнинг фикрича тарихни ўрганиш орқали кишилар келажакда юз бериши мумкин бўлган ходисаларни ҳам олдиндан кўра билиши мумкин. Чунки олим детерминистик нуқтаи назардан оламдаги барча ходисалар сабабий боғлиқликда деб ҳисоблайди. Олам умумий боғланишда у оддийдан мураккабга қараб ўсиб боради: минераллардан, ўсимликларга, ундан тирк оламга ва ниҳоят одам пайдо бўлган. Одам – оламнинг энг юксак чўққиси бўлиб, хайвонот оламидан ажралиб чиққан ва унга эгалик қилади. Ибн Холдуннинг фикрича одамнинг асосий белгиловчи элементлари ақли ва ўйлаб қилинадиган фаолиятидир.

Жамиятда эса подшоҳ ҳукумати, солиқ, фан ва хунармандчилик мавжуд бўлади. Араб олимнинг бу фикрлари, Шарқ файласуфлари ичида биринчи бўлиб, жамият ҳаёти ва яшашининг асоси, унинг моддий ишлаб чиқариши билан боғлиқлигини ҳақидаги назарияни яратганлигини кўрсатади. Моддий неъматлар ишлаб чиқариш усулидаги турига қараб давлат аҳолиси қишлоқ ва шаҳар аҳолиларига ажралади. Дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчилар қишлоқларда яшаса, хунармандчилик, савдогарлик, фан ва санъат билан шуғулланувчилар шаҳарда истиқомат қилади. Олим жамиятдаги меҳнат тақсимотининг аҳолининг ижтимоий структурасига таъсир этишини кўрсатиб берган биринчи файласуфдир. Олим қишлоқ ҳаёти шаҳар ҳаётдан аввал пайдо бўлганлиги ҳақида ёзар экан, одамлар “дастлаб оддий ва зарурий кейинчалик эса, муҳим бўлмаган зарур ва керакли нарсалар” ишлаб чиқаришга ўтдилар дейди. Ибн Холдуннинг таъкидлашича инсон табиатида икки қарама-қарши томон яхшилик ва ёмонлик мавжуд. Агар инсон Аллохнинг кўрсатмаларига амал

қилмас экан унда ёвузлик ортиб борайверади. Қишлоқларда одамларни ёмонликдан қонқариндошлик ва қабила бошлиқлари тийиб туради. Шаҳарда эса инсонларни ўзаро душманликдан ҳукумроннинг зўравон ҳукумати ва давлат тийиб туради. Давлат олимнинг фикрича қишлоқларда қабиладошларнинг эркинлигини бир киши томонидан бостириб турилишидир. “Подшолик ҳукумронлигининг моҳияти-бу бир кишининг яққа ҳокимлигидир. Қабиланинг бошқа кишиларини эса ўзини эзилиши ва хўрланишига йўл қўйишидир”[9] Ибн Холдун антик давр олимлари Платон ва Аристотелдан фарқли равишда давлатнинг фақат монархия шаклини мавжудлигини айтади. Жамият тараққиётининг икки даврини давлатнинг икки босқичига тенглаштирган олим, давлатнинг биринчи босқичи-қишлоқ ҳаётида, иккинчи босқичи эса шаҳарда вужудга келди дейди. Давлат эволюциясини Ибн Холдун беш босқичга ажратади. Биринчи босқич – бу подшо ҳокимиятининг вужудга келиши. Бу босқичда ҳукумдор ўз халқи билан ғалабага эришиш, юртини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш мақсадида бирга бўлади. Жамият бу босқичда қонқариндошлик алоқалари асосида бирлашган бўлади. Иккинчи босқичда ҳукмдор ўз халқидан узоқлашишга бошлайди ва ўз одамлари учун олий ҳокимга айланади. Учинчи босқичда – тинч ҳаёт бошланиб, ҳукумронлик меваларини йиғишга бошлайди. Бу давр олимнинг фикрича, давлатнинг гуллаб яшнаш даври. Бу ҳукмдорнинг ўз давлатининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланадиган охириги босқич. Тўртинчи босқич – барқарорлик даври. Ҳукмдор қўшни давлатлар билан муроса қилиш ва бориға қаноат қилишга мажбур бўлади. Бешинчи босқич эса камомадалар ва исрофгарчиликлар даври. Ҳукумдор ўзидан аввалгилардан қолган нарсалардан ҳам маҳрум бўлади. Бу даврда династиянинг қариши, жамиятни бошқариш қудратини йўқолиши ва халокати билан тугайди. Шу тариқа давлат эволюцияси яқунланади ва ҳаммаси қайтадан бошланади. Олимнинг давлат эволюцияси ҳақидаги фикрлари ўзидан аввалги ва замондош файласуфларникига ўхшайди. Лекин араб файласуфи аввалгилардан фарқли, ҳар бир эволюцион босқични ўзига хос бўлган маҳсус белгиларини кўрсатиб беради.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганимизда, Шарқ Ренессанс олимларининг илмий хазиналарини хали ўрганимиз зарур бўлган, очимаган қирралари жуда кўп, шулардан бири Ибн Холдуннинг илмий меросидир. Ибн Холдуннинг фалсафий меросида ўз даврининг ижтимоий-сиёсий қарашлари катта ўрин эгаллаган. Ғарб олимлари Ибн Холдуннинг инсоният жамиятининг вужудга келиши ҳақидаги фикрларига катта қизиқиш билан ёндошадилар, чунки олим социумнинг вужудга умуминсоний жиҳатларини ёритар экан, унда шарқ анъанавий маънавий қадриятлари албатта мавжуд бўлганлигини исботлаб бера олган. Айнан бу масала Ибн Холдун илмий меросининг ўзига хос жиҳати бўлиб, олим ижодининг бу мероси ўрганилмаган.

Бизнинг фикримизча, айнан учинчи Ренессанс даври фаласуф ва тарихчи олимларнинг ҳамкорлигида Ибн Холдун илмий меросини очилмаган бу саҳифаларини ўрганиши халқимизнинг табиатидаги мавжуд маънавий-ахлоқий дунёқараш илдизлари инсоният жамиятининг пайдо бўлиши билан бирга вужудга келганлигини исботлаб беради. Бу эса олимнинг ижтимоий сиёсий қарашларидаги, социумдаги ўзаро бойиб кенгайиб борувчи юксак ахлоқий алоқалар инсоният жамиятда толерантлик, эркинлик ва инсонпарварлик билан бошқариладиган давлатга сабаб бўлади деган фикрини ҳозирги давр Ўзбекистон мисолида исботлайди.

Иқтибослар/ Сноски/ References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
2. Холдун Ибн. Введение // Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока IX—XIV вв. М., 1961. С. 457.
3. “Соҳибқирон ва тунислик аллома” Поён Равшанов. www.biznes-daily.uz/

4. Игнатенко А.А. Социум и разум (рационалистические течения в арабо-исламской мысли средневековья)//Рационалистическая традиция и современность Ближний и Средний Восток М, 1990 -С 133
5. Ибн-Халдун Введение (Фрагменты) /Перевод С М БациевойУ/Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока I- XIV вв М , 1961 - С 559-560
6. Игнатенько А.А. Ибн–Халдун. – М.: “Мысль”, 1980, стр. 131-132.
7. Смирнов А. В. Ибн Халдун Введение (ал-Мукаддима) Составление, перевод с арабского и примечания А.В.Смирнова М.:«Наука», 2008. С. 4;
8. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Мукаддима» 3.Умеренные и отклоняющиеся [от умеренности] климаты. Влияние воздуха (хава') на цвет [кожи] людей и на многие их состояния М., 1965, Элект. вер.
9. Историко-социологический трактат Ибн Халдуна «Мукаддима» Отдел 13. Государство начинает клониться к дряхлости, как только войдет в свои права природа владения, заключающаяся в установлении единоличной славы,[привычке к] роскоши и отдохновению от забот. М , 1965, Элект. Вер.
10. Аминова М. М. Значение национальных ценностей в воспитании современной молодежи //Интернаука. – 2020. – №. 22-2. – С. 51-52.
11. Ruzikulova M. From the history of hydrotechnical constructions of the Ferghana valley (On the example of the 50s and 70s of the XX century) //Конференции. – 2021.
12. Ruzikulova M. The history of irrigation in central Ferghana (1950-1970) // Scientific research results in pandemic conditions (COVID-19). – 2020. – Т. 1. – №. 02. – С. 117-121.

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000